



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2010 йил 12 НОЯБРЬ, ЖУМА

XXI аср  
САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (11.780)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Ислоҳотлар оқидамида

### ИМТИЁЗЛАРДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШ

**Иқтисодийнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

«Ulug' Oyatillo» масъулияти чекланган жамияти «Давр» банкдан олинган 12 миллион сўмлик кредит ҳисобига «дунёга келган».

Корхонада олий навли йодланган ош тузи ишлаб чиқарилади. Уч нафар ишчи билан фаолият бошлаган бу корхонада бугунги кунда иш ўринлари уч бараварга ортган.

— Маҳаллийлаштириш дастурига киритилганмиз, ўзига яраша имтиёزلарга эгамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Улугбек Йўлдошев. — Банкдан олган кредит даромад ҳам келтирмоқда. Замонавий технологик линия ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортди. Аввалига бир йилда икки миллион сўмлик туз тайёрлаган бўлсак, ҳозирда бу кўрсаткич 15 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Олинган даромад туфайли кредитнинг эзлик фойзидан ҳам қутилдик.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган бу корхонада аҳоли саломатлигини асраш ва мустақамлаш, турли касалликларнинг олдини олишда зарур дармон воситалари қаторига кундалик

зарур эҳтиёж ҳисобланган тузнинг олий ва бошқа навлари тайёрланади. Шу ернинг ўзиде қадокланиб, фирма дўконига чиқарилади.

Этиборли томони, савдо жараёнида харидор мутахассисдан малакали тавсиялар олиш имкониятига эга. Маҳсулот, пойтахтимиздан ташқари, республика вилоятларига ҳам етказиб берилмоқда.

Харидорлигини таъминлашда ташхис-кимё лабораторияси алоҳида ўрин тутди. Айнан шу ерда маҳсулот сифатида мувофиқ текширув ўтказилади ҳамда назорат қилинади.

«Ulug' Oyatillo» масъулияти чекланган жамиятида доимий изланишлар олиб борилади. Шунга кўра яқин келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга ошириш, демак, кўшимча иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

## ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР — ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРНИНГ ВА ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЧОРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши солиқ юкни енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш мақсадида кўшимча чоралар кўрилганлигидан иборатдир.**

Шу йил 11 ноябрда Солиқ академиясида «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида солиқлар ҳамда бошқа молиявий-иқтисодий имтиёзлар ва преференцияларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

Қайд этиб ўтилганидек, инқирозга қарши чораларни амалга оширишда, шунингдек, уларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва самарадорлигини таъминлашда солиқлар, кредитлар, божхона тўловлари ва бошқалар бўйича имтиёзлар ва преференциялар муҳим рағбатлантирувчи аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан 2010 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да шаҳар ҳокимлигининг катта мажлис залда ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг олтинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши тўғрисида.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида.

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази бўлими ҳамкорлигида «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови босқичи голибини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** педиатрия-тиббий институтида соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Ислам университетида бўлиб ўтган давра суҳбатда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ҳақида фикр алмашилди.

✓ **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида фаол ёшлар иштирокида оила маданияти мавзусида семинар бўлиб ўтди.

## Пойтахтимизда интернетдан кенг полосали фойдаланиш технологияларини жорий этишга бағишланган халқаро анжуман бошланди.

## ИНТЕРНЕТДАН ФЙДАЛАНИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

хизматларини қўллаб-қувватлашда, соғлиқни сақлаш тизими, таълим соҳалари ва ҳаётимизнинг бошқа турли жабҳаларида муҳим ўрин эгалламоқда.

Интернетдан кенг полосоли фойдаланиш технологияларининг дунё бўйича кенг тарқалиши ушбу соҳага киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ўсишига замин яратди. Бу ҳолда Ўзбекистонга ҳам тааллуқли бўлиб, мамлакатимизда сўнгги йилларда ушбу тармоқлар хизматига талаб ошганлиги кузатилмоқда. Бу масалалар анжуманнинг асосий мавзусини ташкил этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори ўринбосари А.Хўжаев қайд этганидек, мазкур анжуман ўз олдида бир неча мақсадни қўймоқда. Интернетдан кенг полосоли фойдаланиш технологияларини ривожлантириш ва жорий этишга тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, конференция иштирокчиларини соҳадаги янги ютуқлар билан таништириш, интернетдан кенг полосоли фойдаланиш технологияларини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Хозирги кунда мамлакатимизда интернетдан кенг полосоли фойдаланиш технологияларини ривожлантириш йўллари ва чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Улар транспорт инфратузилмаси, интернетдан симли ва симсиз кенг полосоли фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда унга юртимиздаги ўқув муассасаларини улаштириш таъминлаш, чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларини барқарор электр энергия манбалари билан таъминлаш, маҳаллий web-контент, илова ва хизматларни ривожлантириш каби қўллаб-қувватлашнинг ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган анжуманнинг иккинчи босқичида мазкур олий ўқув юрти талабалари ва етакчи мутахассисларнинг Ўзбекистонда кенг полосоли алоқа тизимларини ривожлантириш истиқболлари, интернетдан симсиз фойдаланиш тармоқлари категориялари, мобил телевидение ва телекоммуникациялар соҳасининг бошқа масалаларига бағишланган тақдиротлари ва маърузалари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона вилоятида Конституциямиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоятдаги мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларида «Конституция — менинг ҳаётимда» мавзусида иншолар танлови ўтказилаётир. Мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилаётган «Сиз қонунни биласизми?» мавзусидаги анъанавий танлов ёшларнинг Асосий қонунимизга оид билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

• Жиззах вилоятидаги учта нодавлат нотижорат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган танловда иштирок этиб, кичик грантларни қўлга киритди.

• Пойтахтимизда баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим йўналишларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ва БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари ҳамда россиялик мутахассислар иштирок этди.

• Адлия вазирлиги ташаббуси билан Андижон вилоятининг Избоскан ва Пахтабод туманлари, Фарғона вилоятининг Учкўприк ва Кува туманлари ҳамда Наманган вилоятининг Косонсой ва Поп туманларида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Беларусь Энергетика вазирлиги хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда келгуси йили мамлакат кенгликларида шамол йўналишларини ҳамда муқобил энергия тизимини яратиш учун шамол парраклари ўрнатиш манзилларини аниқлаш юзасидан мониторинг олиб боради. Унинг натижаларига кўра, Беларусда Хитой компаниялари инвестициялари ҳисобида экологик тоза энергия ишлаб чиқарувчи шамол парраклари ўрнатилади.

• Россиянинг «Газпром» компанияси Жанубий Кореянинг Kogas концерни билан газ етказиб бериш бўйича келишиб олди. Ушбу жараён 2017 йилдан бошланади. Бу хусусда «Газпром» раҳбари Алексей Миллер маълум қилди.

• Жанубий Африка Республикасидаги Netcare хусусий клиникалари бирида инсон ички аъзоларининг ноқонуний трансплантацияси амалиёти ўтказилганлигига оид фактларни тан олди.

• Исроил ҳарбий-ҳаво кучларига тегишли А-161 қирувчи самолёти ҳалокатга учради. Бу тўғрида мамлакат мудофаа идораси вакиллари таяниб, хабар қилинди.

• Италияда кузатилган шиддатли ёмғир сув тошқинларини юзга келтирди. Сув тошқинлари Салерно, Апулию ва Лацио каби провинцияларда транспорт, инфратузилма ва сув таъминоти бўйича муаммоларга сабаб бўлди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 4 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига биноан мамлакатимизда ушбу санани кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил Конституциямиз қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, йиллар ўтгани сайин биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз.

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида – эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш борасида қандай улкан муваффақиятларга эришган бўлсак, барчасининг замирида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқлар, гоёлар, принциплар муҳассам эканини бугун ҳар бир юрtdошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Конституциямиз туб моҳиятига кўра миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида ифода этган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамлаб кўйилган.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида кўриб, ва моддаларда мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, инсон – ҳаёт гултожи. Уни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоялаш ҳақиқий демократик, адолатли давлатга ҳосдир. Бу ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, ён-атрофдагиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаёт тарзига айланган халқимизга хос фазилатлардан. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳонда тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф қозонган беш тамойил ҳам бутун маъно-мазмунни билан инсон манфаатини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим ҳазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим омилардандир.

Асосий қонунимизнинг 41-моддасига мувофиқ, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган таълим олишга бўлган ҳуқуқини тўлалигича таъминлаш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида ул-

кан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш йўлидаги кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимиз-

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

нинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилинган ана шу эзгу ишларнинг мантқиқий давомидир.

Баркамол авлод йилига бағишлаб ишлаб чиқилган давлат дастури ва шу асосда бажарилаётган амалий ишлар истиқлолимизнинг дастлабки кўрсаткичларидан Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил сиёсатда фарзандларимизга берилган эътиборни янада кенгайтириш ва кучайтириш учун янги имкониятларни сафарбар қилишга қаратилмоқда.

Аввало, болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлири тиривуриларини иш билан таъминлаш сингари масалалар шулар жумласидандир.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни болаларни ҳимоя қилишнинг қуришга интилишни шакллантириш диққат-эътиборда. Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан ҳуқуқимиз томонидан махсус қарор қабул қилиниб, бу йўналишда катта амалий ишлар қилинаётди.

Конституциямиз асосида амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар самарасида ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харajatлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Бугунги кунда Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида шу йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Экспорт кўрсаткичлари изчил ошиб бормоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари, автомобил йўллари, кўприклар фойдаланишга топширилмоқда.

Кўплаб ижтимоий объектлар – мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлири, шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, замонавий уй-жойлар бунёд этилаётди.

Олим ТўРАҚУЛОВ, Ўза шарҳловчиси



Қарор ва ижро

ҲАМ ҚОҒОЗ, ҲАМ ВАҚТ ТЕЖАЛМОҚДА

Тежамкорлик – бозор ислохотларининг муҳим омилли, тўқинлик ва фаровонлик асоси. Барча соҳаларда қатъий тежамкорликка асосланган самарали тизимларнинг татбиқ этилаётгани иқтисодийимиз ривожига хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасининг шу йил 22 июлда қабул қилинган «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида юртимизда қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини тежаш, уларни қайта ишлаш, барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жадал жорий этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасида ҳам ҳуқуқимизнинг ушбу қарори ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали қоғоз ва вақтни тежаш, маълумот алмашиш имкониятларини кенгайтиришга эришилаётди.

Бугунги кунда замонавий компьютер технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадал кириб бормоқда, – дейди бошқарма бошлиғи Камолиддин Умаров Ўза муҳбирига. – Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни ҳам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Электрон ҳужжат айланиши ишмииз самарадорлиги ва ишончлигини ошириш билан бирга, бошқарув сифатини яхшилаш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Энг муҳими, қоғоз, вақт тежалади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш натижасида бошқарма тизими таърифуфидига 16 шахар ва туман статистика бўлиmlаридан ҳар ойда ва йилнинг ҳар чорагида олинадиган 92 хилдаги ҳис-

ботларни тайёрлаш учун кетадиган қоғоз миқдори кескин камайди. Бошқарув аппаратида 2009 йилнинг 9 ойи давомида 382,5 килограмм қоғоз сарфланган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич қарийб 100 килограммга камайди. Айни пайтда ҳисоботларни топшириш самарадорлиги бир неча баробар ошди.

Шу кунларда бошқармаимизда «Е-Nijjat» электрон ҳужжат алмашиш тизимини кенг жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан статистика бошқармаси ўртасида «Е-Хат» ҳимояларини ягона корпоратив электрон почта йўлга қўйилади.

Статистика тизими ходимларининг малага ва кўникмасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тизимни замонавий компьютер техникалари билан тўлиқ таъминлаш, локал ва корпоратив алоқани йўлга қўйиш ва зарур сервер ускуналари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда.

Статистика бошқармасининг муҳим статистик маълумотлари, кўрсаткичлар ва методик қўланмалар, ахборот-реклама шаклидаги материаллар расмий веб-сайтта бериб борилаётгани ҳам қоғоз сарфини сезиларли даражада камайтириш, меъёрый-ҳуқуқий ҳужжатларни тезкорлик билан янгилаб бериш имконини бермоқда. Илгари бир неча юзлаб килограмм қоғоз сарфлаб, ҳар ойда ва чорада чоп этиладиган статистик кўрсаткичлар тўпламлари ҳозир электрон шаклда тақдим этилмоқда. Буларнинг барчаси қоғозни тежаш, ундан оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда.

А.ОРТИҚБОВ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Инсон иссиқ жон экан, гоҳида соғ, гоҳида бетоб бўлади. Саломатлиқнинг қадрини эса айнан бемор бўлганда биллади. Мабодо танангиз оғриб, бирор касалликка чалинсангиз, дилингиз хира бўлиб, кўзингизга ҳеч нима, молу дунё ҳам кўринмайди, хурсандчилик ҳам ёқмайди.

Жонимиз оғриб, касал бўлган чоғимиз, нажот истаб кимдан ёрдам ва маслаҳат сўраймиз? Албатта, тиббиёт ходимлари хузурига борамиз. Уларнинг ширин муомаласи, тезкор муолажаси тардимизга маълум бўлиб, саломатлигимизни тиклаймиз.

Бугунги кунда инсон ҳаётини, жамият тараққиётини тиббиёт ходимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар тиббиёт соҳасида ҳам яхши натижалар бераётганининг гувоҳимиз.

Ёш авлодни ақлан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, оналик ва болаланин муҳофаза қилиш, оила фаровонлигини таъминлашда тиббиёт ходимларининг меҳнати таҳсинга сазовор.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда «Соғлом она - соғлом бола» дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш энг муҳим вазифалардан бирига айланган. Бу борада оилавий поликлиникаларнинг ўрни алоҳидадир.

Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу

Асосий қонунимизда мулк шаклларининг дахлсизлиги, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бошқа муҳим қондалар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига улushi жорий йилнинг тўққиз ойида 48,5 фоизни ташкил қилди.

Президентимизнинг тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча фармон ва қарорлари эълон қилинди. Ушбу ҳужжатлар тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтирди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашувни чекловчи, текширишлар ўтказиш тартибининг ҳамда текширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг ошиши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу фуқароларнинг демократик янгилашиларидаги иштирокини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда Конституциямизни ўрганиш ва мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши бунда муҳим дастуриямал бўлаётди.

Мазкур ҳужжат Конституциямизни ўрганишда изчил ва самарали механизм яратилишида муҳим асос бўлди. Унга мувофиқ мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хўнар ва олий таълим муассасаларида Конституциямизни ўрганишга бағишланган махсус курслар ўқитилмоқда. Асосий қонунимизни тарғиб этишга қаратилган махсус дастурлар, қўланмалар ишлаб чиқилди. Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этиш аҳолининг турли қатламлари савияси, манфаатлари ҳамда талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётгани яхши самара бермоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, қорхоналар, таълим муассасалари, маҳаллаларда «Конституциямиз – бахтимиз пойдевори», «Конституция сабоқлари», «Сиз Конституциямизни биласизми?» каби мавзуларда кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш аънаана айланган.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилик тизими муқаддас Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечирishi учун зарур барча омиларга йўл очиб берувчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизнинг фаровон турмуши ва буюк келажакини кўзлаган бу тамойилларнинг ҳаётимизда янада чуқурроқ акс этишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Олим ТўРАҚУЛОВ, Ўза шарҳловчиси

ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР — ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРНИНГ ВА ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЧОРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларининг олдини олиш ва иқтисодийнинг реал секторига базавий тармоқлар қўллаб-қувватлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда маҳаллий озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат товарларини ишлаб чиқаришни ва ички бозорни кенгайтириш, маҳаллийлаштириш асосида тайёр маҳсулотлар материаллар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини ҳамда ҳажмини ошириш, Инқирозга қарши чараларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган беш қатор фармонлар ва қарорларда назарда тутилган уй-жой қурилишини янада ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, муҳандислик коммуникацияларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тизими изчил амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобига 500 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг ҳўжалик юритувчи субъектлар иштиёрида қўланган. Имтиёзларни қўллаш билан бир қаторда 2010 йилнинг ўтган даврида мамлакатнинг озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи қорхоналарига тижорат банклар томонидан 41,6 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу давр мобайнида ресб-ликкаимиздаги ноозик-овқат товарлар ишлаб чиқарувчи қорхоналарга жами 359,2 миллирд сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан хусусий уй-жойлар қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилаётган иختисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январига қар барча турдаги солиқларни ва давлат мақд-ли жамғармаларига мажбурий ажратмалони ҳамда божхона тўловларини тўлашдан зод қилинган. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 74 та қурилиш ташкилотига нисбатан 4,0 миллиард сўм миқдориди солиқ имтиёзлари қўланган.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш лий-ҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳлот фойда солиғидан, ягона солиқ тўловдан, мулк солиғининг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан боғлиқ қисмидан озод қилинган.

Тадбиркорлик субъектларини бутун аралар билан қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган қорхоналар учун кенг имкониятлар яратиб бериш, парга турли солиқ ва божхона имтиёзларин бериш натижасида ушбу қорхоналарнинг молиявий аҳоли анча яхшиланди, улар шлаб чиқараётган маҳсулот миқдори ва това айланмаси ошди, натижада бу мазкур қорхоналарда кўплаб иш жойлари яратиш мко-нини берди.

Шу билан бирга, масалани муҳофиза илш асосида семинар катнашчилари банк-олия ва солиқ органлари ушбу устувор йўналишларни тушунтириш бўйича айниқса митақаларда, тадбиркорлар орасида ва меҳн жамоаларида олиб борилаётган ишнинг самарадорлигини ошириш зарурлигини қўлатиб ўтдилар. Шунингдек, ҳўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юкени камайитирининг, бўшатиб олинаётган маблағларни фақ ички эҳтиёжларга эмас, балки инвестицияларга ҳамда рақобатбардошликни мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш йўли билан молиявий-иқтисодий имтиёзлардан фойдаланишнинг афзалликлари ва аҳамияти таъкидланди. Имтиёздан кейинги даврни мониторинг илш ҳамда солиқ ва бошқа молиявий-иқсодий имтиёзларнинг самарадорлигини ҳсбга олиш талаб қилинмоқда.

Семинар қатнашчилари молиявий-қтисодий имтиёзлардан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини рўёбга чиқаришдаги рағбатлантирчи ролни кучайтириш юзасидан таклифлар бери-дилар, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини ярсатиб ўтдилар.

Семинар ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давл солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Давл мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари, ишлар, ҳўжалик юритувчи тузилмаларнинг рабарлари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахрот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Дилором ИКРОМОВА (Ўза)

Тошкентим — боғу бўстони

**Азим шаҳрим... Ўрта асрларда Тошкентга келган машҳур шоир Зайниддин Восифий бу ернинг зилол суви, тоза ҳавоси, боғу роғларидан ҳайратланиб, қасида ёзади. Тошкентни «андоқ бир шаҳар борки» дея, жаннатга тенглаштиради...**

Орадан неча асрлар ўтди. Азим шаҳримиз қанчадан-қанча синовларга бардош берди, мағрурлигини асло йўқотмаган бўлса-да, аммо буларнинг бари унинг ташки кўринишига таъсир кўрсатмай қолмади.

Мустақиллик шарофати ила бугун азим шаҳримиз мафтункорлиги, фусункорлиги билан ўша, бир пайтлар Восифий куйлаганидек, андоқ гўзал шаҳар сифатида ҳайратлантириб, барчани лол қолдираётди. Тошкент йиллар давомида янада яшнаб, яшил шаҳар, гуллар шаҳри мақомига сазовор бўлди.

Яқинда шаҳримизнинг янада ажиб, ҳайратли лаҳзаларидан баҳраманд бўлдим. Одатга кўра, эрта билан Сайилгоҳ хиёбонига дам ўтиб кетаётганимда, обғим остига кўшалок ёнғоқ думалади. Беихтиёр тегая қардим. Иккита момидек олмадон менинг ҳаракатларимни кузатиб турарди. Ёнғоқни қақиб, кафтимда олмадонлар томон узатганимни биламанки, улардан бири тез пастга тушди-да, ёнғоқни қўлимдан олиб, жуфти томон югурдилаб кетди. Иккинчиси эса зийраклик билан кузатишда давом этарди...

Йўқ, бу эртақ ҳам, хаёл ҳам эмас. Бор ҳақиқатдир. Аммо шаҳримиз аҳолиси учун мана шундай олмадон билан юзмаюз мулоқотга киришиш барибир файриабий ҳолатдир.

Тошкент ҳайвонот боғи директори Олим Расулов айтишича, фауна дунёсининг бу гўзал жонивори табиат кўйида асосан Европа ўрмонларида кўп учрайди. Шаҳримизда кейинги йиллар давомида яшил майдонлар кенгайиб, айниқса игнабаргли ўсимликлар кўпайиши олмадонлар ҳам кўним топишига асос бўлмоқда.

Нафақат азим шаҳримиз меҳмонлари, балки шу қуллуг заминда туғилиб ўсган бизни ҳам ҳайратлантирувчи бундай лаҳзалар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Кейинги уч-тўрт йил ичида эски шаҳарда бўлган киши, албатта Миллий санъат галереяси атрофида лайлақлар пайдо бўлганини кўрган. Қадимда аҳоли тилида «Лайлак кўнди» номини олган бу манзил бугунги кунда ўз халқчил мақомига яна тиклади десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Лайлак муруватли, олижаноб одамлар ичида яшашга ўрганад экан, қачонки меҳр, яхшилик бўлса...

Юртбошимиз томонидан мустақиллигимизнинг илк кунларидан Тошкентнинг ташки кўринишига алоҳида эътибор бериб келинаётгани бежиз эмас. Пойтахт шаҳар ҳар бир давлатнинг салоҳияти ва имкониятини кўз-кўз қилувчи, унинг юксак кадриятлари хусусида илк таассуротни шакллантирувчи остона, аниқроқ қилиб айтганда бўлса, асосий дарвоза вазифасини ўтайди. Демак, Тошкент авваломбор пойтахт шаҳар ва Марказий Осиё минтақаси маркази мақомига мос бўлмоғи лозим эди. Бунга давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрининг ривожлантириш концепцияси изчил татбиқ этилиши тўғрисида эътибор берилди. Шунингдек, шунингдек лозимки, ушбу йўналишда саёй-ҳаракатлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Биз айни пайтда Тошкентда кўпбалла объектлар қурилаётгани ва таъмирланаётгани, худудлар обод бўлаётгани, шаҳримиз кўчаларини маҳаллалари, боғу роғлари ям-яшил либосга бурканиб бораётганининг гувоҳимиз. Пойтахтимиз том маънода яшнаётган гуллар шаҳрига айланмоқда.

Кейинги пайтда ландшафт архитектураси, яъни мувофиқлик меъморчилиги ибораси кўп ишлатилмоқда, — дейди Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси Аъзам Ризашов. — Бугунги кунда лойиҳалаштириш дегадда, фақатгина аниқ бир объектнинг қурилиши назарда тутилмайди. Ушбу жараёндаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам инobatта олинмоқда. Аҳамияти жиҳатидан шаҳарсозликда мураккаб ҳисобланган бундай масалаларнинг ечимида ўнлаб ташкилот ва муассасалар мутахассислари — агрономлар, лойиҳачилар, меъморлар, курувчилар, безовчию табиятшунослар, турли соҳа олимлари иштирок этади. Шаҳарни, хусусан пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш нечоғлик долзарб масала эканлиги ортиқча изоҳ бериб ўтишнинг ҳожати

бўлмаса керак. Замонавий мегаполислар тезкор ва узлуксиз автотранспорт ҳаракати билан таърифланади. Бу борада йўллар шаҳар артерияси — қон томирлари бўлса, унинг яшил камарини ҳаёт бахш этувчи нафас йўллари қиёслаш мумкин. Кейинги пайтларда шаҳримизнинг айниқса марказий қисмида, йўл чеккаларида кичик меъморий ечим сифатидаги мўъжаз гулзорлар яратилмоқда. Мустақиллик, Амир Темур, Бунёдкор шожўчалари, Навоий, Афросиёб, Истиклол, Бобур, Ўзбекистон, Буюк Ипақ йўли кўчалари бўйлаб манзарали гишлар терилган ва асосан майин майсалардан иборат бундай бадий композициялар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимизнинг ландшафт дизайни кейинги йилларда шундай шакллантирилмоқдаки, йил давомида гуллаб турувчи шаҳарни эсла-тади. Баҳор келиши билан то

боғи, Амир Темур хиёбони, Бобур, Мирзо Улуғбек, Абдулла Қодирий, Гафур Ғулум номидаги боғлар шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг доимий дам олиш масканларига айланганини айтиб ўтиш жоиз. Шаҳар яшил ландшафтида яна бир бошқа ягона ансамбли ташкил этувчи Аквапарк ва Тошкентленд, шунингдек ҳайвонот боғи ҳам доим одамлар билан гавжум. Дарвоқе, қайд этилган бу объектларнинг бари кенг камровли ободонлаштириш ишлари натижасида бамисоли қайта туғилиш даврини ўтаётди.

Бу борада кенг йўллар, кўприклар, транспорт ечимлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, — давом эттирди Артур Мустафин. — Юртбошимиз ташаббуслари билан одамлар қириши энгил, узогини яқин қилиш мақсадида барпо этилаётган бундай иншоотлар туманлару мавзелар ва даҳаларни бирлаштириб, шаҳримиз кўркини

— Албатта, илгари ҳам яшил худудлар бўлган, — дейди А. Мустафин. — Аммо сифат масаласида талабга мутолақ жавоб бермаган. Ўсимликлар бетартиб, бир тизимга мос бўлмаган равишда экилаверган, парвариш ишлари ҳам деярли олиб берилмаган. Кейинги йилларда ушбу долзарб масала ўз ечимини топмоқда. Қайд этилганидек, ободончилик ишлари нафақат ирригаторлар, курувчилар, меъморлар, балки бошқа соҳа вакилларини ҳам жалб этган ҳолда мажмуавий тизим асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди. Шунингдек айтиб ўтиш керакки, бу борада барча бўғинлардаги ишлар изчил юритилаётгани боис ҳам пойтахт иқлимининг бир меъёрга таъминлаб туриш имкониятини бермоқда. Бунга алоҳида уруғ беришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, авваллари ушбу масалага мажмуавий тарзда ёндашилмаган. Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бу йўналишдаги ишлар давлат даражасида қуриб чиқилди. Барча имкониятлар инobatта олинди, шу жумладан шаҳарнинг географик жойлашуви, иқтисодий кўрсат-

ларига асосан зарарли моддалар, чиқиндиларга бардошли бўлган қаттиқ турдаги дарaxтлар экилади. Мевали дарaxтлар эса боғларга, одамларга яқин ва автотранспорт кам бўлган жойларга ўтказилди. Шожўчалар ва марказий кўчалар йил давомида яшиллик таъминлаб турувчи манзарали дарaxтлар билан мунтазам бойитиб борилади. Масалан, баҳор ва ёз кунлари салқинлик тарқатувчи пирамида шаклидаги яман, ясен, каштан дарaxтлари қузда баргини ташлайди. Улар ўрнини то кейинги баҳоргача туя, арча, бошқа игнабаргли ўсимликлар эгаллайди.

Хонадонларда ҳам игнабаргли дарaxтлар экиш кенг тус олмоқда. Инсон саломатлиги учун ўта муҳим бўлган кислородни кўп миқдорда етказиб берувчи ва экологик тоза бундай ўсимликлар ҳосиятини кўпчилиги бугунги кунда англаб етмоқда. Қолаверса, уй ташқариси ва ички интерьерларни ўсимликлар билан безашда янги урфлар, янги қарашлар кузатилмоқда. Айниқса катта туйуллардаги ўсимликлар, майса қопламалари ва унга баланд бўлмаган гулларга эҳтиёж ошмоқда. Ваҳоланки, авваллари кўкаламзорлаштириш тажрибасида майсазорлар ташкил этиш кенг тарқалмаган. Эҳтиёж бўлмагани учун эмас, балки бизнинг иқлимга мос мейсани етиштириш услуби яратилмагани боисдир. Шаҳар манзарали боғдорчилик корхонаси мутахассислари томонидан майса қопламаларини кўчириб ўстириш технологияси ишлаб чиқилди. Полиэтилен устига тупроқ сепилиб, сўнг райграсс майса уруғи қадалади. Икки ой давомида вақти-вақти билан сугориб туририлган кейин яшил гилам пайдо бўлади. Бу майсазор плёнкаси билан ўралиб, мўлжал қилинган жойга ва исталган шаклда ўтказилиши ва парвариш қилиниши мумкин. Халқимиз тилида чим номини олган майса майдонини ҳам ўзига хос чиройга эга. Фарқи шундаки, қиш пайтида чим сарғайди, райграсс эса йиллар давомида яшил рангини йўқотмайди.

Шаҳарсозлик ва меъморчилик бош бошқармаси маълумотига кўра, ўсимликлар ҳам қурилиш қоида ва меъёрларига жавоб бериши лозим. Бу борада мегополис ўлчовига алоҳида эътибор қаратилади. Чунончи, йирик санoат корхоналари кўп бўлган катта шаҳарларга анча юқори меъёрлар жорий этилади. Лекин шаҳарнинг яшиллик даражаси фақат умумий фойдаланишдаги ўсимликлар дунёси билан ўлчанмайди. Бутун шаҳар ҳаво ҳарорати ва унинг санитар-гигиеник ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи яқка тартибдаги худудлар яшиллиги, боғлар ҳам ҳисобга олинади. Шундай бўлса-да, истироҳат боғлари умумий фойдаланишдаги энг йирик яшил худуд ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари таъкидлашча, ўсимликлар ҳавонини тозалаш туровчи энг ишончли восита сифатида хизмат қилади. Бир гектар яшил майдон фотосинтез жараёнида 200 киши нафос олиши учун етарли миқдорда кислород етказиб бериш имкониятига эга. Шунингдек ўсимликларнинг радиация ҳароратни қисқартиришдаги ўрни ҳам беқийс. Яшилликка бой худудларда чанг тарқалиш даражаси паст бўлади. Айниқса игнабаргли дарaxтларнинг хислати бу борада анча самаралидир. Агарда шаҳримизда яшил худудларга диққат билан эътибор берадиган бўлсак, манзарали меъморчилик уйғулашуви қанчалик тўлиқ таъминланганини кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, пойтахтимиз кўрки кейинги йилларда тубдан ўзгариб, гўзал ва кўркам шаҳарга айланиб бораётди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг қулоч ёзган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги саёй-ҳаракатлар натижасидир. Тошкентнинг нафақат қадимий тарихи, Буюк Ипақ йўлидаги савдо, хунармандчилик ва меъморчилик маркази сифатида шухрат қозонгани, боғу роғлари билан ҳам номи таралгани бу борада эътибордан четда қолмайди, албатта. Олчазор, Нокзор, Тутзор, Бедазор, Майсазор каби кўчаю маҳаллаларимизнинг қадимий номлари тикланганини мисол қилиш ўринлидир. Бугунги замонавий Тошкент кадриятларимизга юз тутган ҳолда, Восифий куйлаганидек, жаннатмақон шаҳар сифатида ўзига мафтун этишни давом эттираётди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

МУСТАҲКАМ ЎҚУВ НЕГИЗИ

**У дастлаб 1949 йили Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультети ҳузурида журналистика бўлими сифатида ташкил этилган эди. Сўнг журналистика факультетига айлантирилди.**

Ўтган олти йил ичида бу билим маскани йирик кадрлар ўчоғига айланди. Бугунги кунда факультетда «Матбуот», «Телекўрсатув ва радиоэшитириш», «Услубият ва таҳрир», «Интернет журналистикаси» каби ихтисослик кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Ўқув-нашриёт мажмуаси ҳам ташкил этилди. Ўқув-услубий адабиётлар нашр этиш учун ҳам мустаҳкам техник негиз яратилди. Олий журналистика курси ҳам очилди.

КАФЕДРА ЮБИЛЕЙИ

**Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг «Ер тузиш ва муносабатлар» кафедраси ўзининг 70 йиллик санасини нишонлади.**

Шу муносабат билан ўқув қўлланмалари босмага тайёрланди. Энг иқтидорли талабалар илмий изланишлари асосида «Билим ва амалиёт уйғунлигида» деб номланган тўплам кўп нусхада чоп этилди. Яқин орада бундай ўқув адабиётлардан яна иккитаси тақдим этилади.

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ

**Пойтахтимиз аҳолисига кечаю кундуз хизмат қилиб келаётган Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси замонавий радиоалоқалар, тез тиббий ёрдам машиналари, шунингдек малакали шифокорлар билан тўлиқ таъминланган. Хизмат самарадорлигини оширишда биринчи навбатда айнан зарур шароитлар яратилиши талаб этилади.**

Станция 12 та бўлим билан бевосита боғлиқ ҳолда тезкор фаолият юритаётди. Марказий нозимхонадан олинган қақирувлар кечиктирилмасдан туман бўлимларига тарқатилади.

Бир кеча-кундузда икки мингга яқин қақирув бўйича ўз вақтида тезкор муолажалар кўрсатилмоқда. Яратилган шароитлар доирасида камчиликлар йўқ ҳисоб. Фақат хизмат кўрсатиш жараёнида айрим муаммоларга дуч келинади, холос.

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Тошкент тиббиёт академияси қошидаги марказий биокимё лабораториясида беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.**

Бу ерда замонавий лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб, аниқ ташхис қўйилмоқда. Автоматлаштирилган гематологик анализатор аппарати қон таркибини тезкор усулда аниқлаб беради. Шунингдек, клиникада лаборатория таҳлиллари умумлаштирилиб, муолажалар вақтида олиб борилиши имконини беради.

Биокимё анализатор қурилмалари ҳам шифокорларнинг яқин ёрдамчисига айланди. Яқинда энг замонавий тиббий аппаратларидан яна бир нечтаси олинди.


ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА

**Тошкент тиббиёт академиясида ташкил этилган илмий-амалий анжуман умумий амалиёт шифокорлари ва стоматолог мутахассисларни тайёрлашда жаҳон андозаларига мос келадиган ўқув-услубий вазифаларга бағишланди.**

Унда чет эллик тажрибали шифокор олимлар ҳам сўзга чиқиб, ўз амалий ишлари билан ўртоқлашди.

Анжуман натижалари бўйича соҳадаги ютуқларни ёритувчи қўлланма тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ



ТАБИАТНИНГ МЕЪМОРИЙ ЕЧИМИ



кеч кузгача турфа гуллайдиган ўсимликлар кўни қувонтиради. Март ойидан бошлаб боғу роғлар ва хиёбонларда лола, гулсафсарлар очилади. Апрель ойи охири — май бошларида сафоро атрофга атир каби майин исини таратади. Ёз давомида деярли ҳар бир қақиримда турли гуллар шаҳримиз кўркига кўрк кўшаётганини кузатишимиз мумкин. Пойтахтимиз яшил кўринишида шунингдек эман, заранг, қайин, мажнунтол каби монументал дарaxтлар ҳам алоҳида ўрин тутарди.

Кейинги пайтда игнабаргли дарaxтлар экиш аънаънага айланган, — дейди шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Артур Мустафин. — Кўпчилик бундай ўсимликлар бизнинг иқлимга мослашиши хусусида савол беради. Қарағай, арча, туя каби игнабаргли дарaxтлар қиш фаслида ўтказилади. Мослашиши эса авваломбор парваришга боғлиқ. Ботаника институти мутахассислари билан ҳамкорликда тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирда олимлар томонидан яратилаётган янги селекция намуналар очик майдонларда ҳам тажрибадан ўтмоқда. Изланишлар натижасига келсак, чунончи, шаҳримизда асосан игнабаргли ўсимликлардан иборат бир нечта хиёбонлар барпо этилди. Мустақиллик майдонини мажмуаси худудининг саксон фоизи яшил камар билан қамраб олинган бўлиб, бу ердаги игнабаргли дарaxтлар яхши ривожланмоқда. Ушбу муҳташам мажмуанинг яшил либоси «Пойтахт» бизнес маркази, бир қатор бошқа янги иншоотларнинг атрофи ободонлаштирилиши хисобига янада кенгайди.

Шаҳримизда йигирмадан зиёд истироҳат боғлари бор. Кейинги йилларда кўплаб дам олиш масканлари барпо этилди, мавзудларнинг талабга яраша тикланиши давом этмоқда. Шу ўринда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

ўзгартириб юбормоқда. Албатта, бир пайтлар қорамой эритилиб, унинг куйидаги нафасни сиқарди. Ҳозирда бу жараёнинг атроф-муҳитга умуман таъсири сезилмайди. Йўл қурилиши фақат ободонлаштириш ишлари тўлиқ амалга оширилгач, шу жумладан кўкаламзорлаштириш ва сунъий сугориш тизими яратилгандан сўнг яқунланган ҳисобланади. Транспорт ечимларининг ҳам аҳамияти катта. Бундай жойларда автоҳаракатнинг мунтазамлиги боис атрофга зарарли моддалар чиқishi кўп бўлиши табиий, лекин лойиҳа бўйича барпо этилаётган яшил худудлар бундай ҳолатнинг олдини олишга ва ҳавонини доимо тозалаш туришга асос бўлмоқда. Бугунги кунда йўл қурилишида замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Ўтган деярли йигирма йил ичида пойтахтимиз ва унга туташган худудларда янги йўллар, икки қаватли автоҳаракат тизимлари, кўприклар барпо этилиб, неча миң километрик йўллар тежисланди, тор кўчалар кенгайтирилди. «Янги йўллар, қулай кўприклар, деганди Юртбошимиз, авваломбор халққа хизмат қилади». Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида пойтахтимизни замонавий давлатлар пойтахтлари билан бемалол таққослаш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари айни пайтда фойдаланилаётган йўллар ва кўприклар нечоғли ўз самарасини бераётгани хусусида ҳам кўп маротаба тўхталиб ўтиши бежиз эмас. Йўлларимиз раван, кенг, ёруғ бўлди. Вақт тежалашига эришилди, йўллардаги қийинчиликларга барҳам берилди. Энг муҳими, одамларнинг ҳавфсизлиги таъминланди. «Бу ўта муҳим масала, таъкидлайди Президентимиз, чунки йўл қурилиши асосида сиёсий, иқтисодий, экологик масалалар ечимини муассасмидир. Бундан ташқари, одамлар кайфиятини кўтариш, саломатлигини таъминлашдек олижаноб мақсадлар ётади».

кичлари, ҳаттоки мегаполис сифатидаги сиёсий портрети ҳам назардан четда қолмайди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги остида пойтахтнинг ўзига хос меъморчилиги, ҳар бир кўчаси, майдони, туманлари аънаъналари, жойлашуви этиборга олиниб, «яшил дастур» ишлаб чиқилди. Кейинчалик Тошкентни гуллар шаҳрига айлантириш борасида ҳам алоҳида дастур қабул қилинди. Ушбу йўналишда ўсимликларни ўтқариш ва парваришдаги ишлар янги технологиялар амалиётда қўлланила бошланди.

Мутахассислар таъбири билан айтганда, бизнинг иқлим ўзгача. Ёз кунлари жазирема ва куруқ иссиқ ҳукм суради, чанг кўп. Худудларнинг катта қисми асфальт билан қопланган. Бундай «нуқсонларни» беркитиб, иқлим мувозанатини таъминлаш мақсадида куз ва баҳор мавсумларида аънаънавий ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилди. Ҳар бир мавсумда неча миңгабон дарaxтлар, миллионлаб гул кўчалари экилади. Ободонлаштириш бошқармаси маълумотига кўра, барча ўсимликлар майдони каналлар орқали сугорилди. Шаҳримиз худудидан Толарик, Баротқўжа, Салор, Бўзсув, Қорасув, Кайковус, Дамашки, Найман каби каналлар оқиб ўтади. Шу тариха 37 та магистрал каналдан иборат шаҳар ҳўжалиги сув билан таъминланади. Учинчи босқичда эса 110 километр узунликдаги 50 дан зиёд канал майда ариқларга сув тарқатувчи вазифасини ўтади.

Ҳар бир янги нав экилишидан аввал унинг эстетик кўринишига алоҳида аҳамият берилади. Бунинг учун, мутахассислар фикрига қараганда, биринчи навбатда эскиз — транспорт ҳаракатидан тортиб шамол эсиши, атроф-муҳит ифлосланиши ҳам ҳисобга олинган ҳолда чизмалар тайёрланади. Кейин жойига қараб, ўсимликлар турларга ажратилади. Автотранспорт ҳаракати кескин бўлган марказий кўча чекка-



**Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шу эзгу мақсад йўлида барча шарт-шароитни яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.**



Дилдан яйраб-қувнаймиз, юрт мадҳини куйлаймиз

## МАЖМУА ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁР

Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган, барча шарт-шароитга эга спорт мажмуалари минг-минглаб ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган. Улар ўзи танлаган спорт тури билан мунтазам шуғулланиш, тажриба ва маҳоратини ошириш, энг асосийси, баркамоллик ва Ватанимизни шарафлаш йўлида изчил изланиш имконига эга. Бунда спорт мажмуаларининг тўрт фаслда ҳам мунтазам фаолият юритаётгани муҳим омил бўлаётди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан пойтахтимиздаги

спорт мажмуаларида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Буни «Пахтакор» марказий стадиони қошидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида ҳам кўриш мумкин. Спорт мажмуасини қиш мавсумида электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида газ, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари ҳамда электр таъминотининг мавсумга шайлик ҳолати кўриқдан ўтказилди, иссиқлик тизимини юқори босим остида ювиб-тозалаш ишлари амалга оширилди.

Мажмуада «Пахтакор» футбол академияси тарбияланувчилари, юнон-рум кураши бўйича Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби ўқувчилари, «Пахтакор» фут-

бол ва мини-футбол жамоалари, баскетбол бўйича «Ёшлик» хотин-қизлар жамоаси, акробатика, мини-футбол, қўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари қишқи ўқув-машғулоти йиғинларини ўтказди. Бу ерда спортчиларимиз халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга, мамлакат чемпионатларига пухта тайёргарлик кўриши учун барча шароит яратилган.

2008 йили капитал таъмирланиб, янги қиёфа касб этган мажмуадаги халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мини-футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, кураш ва қўл жанги заллари, гимнастика ва акробатика тўшамалари, спорт инвентарлари билан тўла таъминланган тренажёр

зали, дам олиш, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари қишин-ёзин спортчилар ихтиёрида. Мажмуани иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаб турувчи махсус қурилма қиш мавсумида спорт заллари ҳароратини бир маромда сақлаш, ювиниш хоналарини иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Футболчиларимиз мусобақалар олдида ўқув-машғулоти йиғинларини асосан шу ерда ўтказди, — дейди ЎЗА муҳбирига «Пахтакор» мини-футбол жамоаси шифокори Ислам Расулов. — Бу ерда мусобақаларга жисмонан ва руҳан пухта тайёргарлик кўриш учун замонавий шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Бу эса спортчи саломатлигини мустаҳкамлайди, уни тетик ва бардам қилади.

Мажмуада яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган спортчиларимиз мамлакат ва халқаро миқёсдаги кўплаб мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан, «Пахтакор» футбол академиясининг 1996 йилда туғилган футболчилари жорий йилнинг июль ойида Испаниянинг Алькобендас шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритди. Украинанинг Киев шаҳрида қўл жанги бўйича бўлиб ўтган Европа очик чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари уч олтин, биттадан кумуш ва бронза медал соҳиби бўлди. Юнон-рум кураши бўйича Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби ўқувчилари июль ойида ўсмирлар ўртасида мамлакатимиз чемпионатида икки кумуш ва тўрт бронза медал билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОВО**

## Спорт янгиликлари



**Индонезиянинг Сурабая шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Аҳмад Жамол Муҳаммад ва Арина Фольц бош совринга даъвогарлик қилмоқда.**

## ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Яккалик беллашувларида учинчи рақамда сараланган Аҳмад Жамол Муҳаммад дастлабки икки учрашувда мезбонлар вакили Ираван Багус Вибисонони 6:2, 6:2 ва швейцариялик Штефан Фиаканни 7:6, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қизлар мусобақасида истеъдодли теннисчимиз Арина Фольц биринчи беллашувда индонезиялик Вони Дарлинадан 6:2, 7:6 ҳисобида устун келди. Жуфтлик беллашувларида россиялик Анастасия Токарева билан ҳамкорликда ўйнаётган А.Фольц мезбон теннисчилар — Нурдина Маринисари ва Деси Ратнасарини 6:2, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Туркиянинг Анталья шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўтказилаётган хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг биринчи даврасида Влада Екшибарова италиялик Гида Клерикини 6:1, 6:2 ҳисобида енгди.

Жуфтликлар мусобақасида арманистонлик Ани Амирагян билан бирга ўйнаётган Влада Екшибарова туркиялик Эйлул Бенли ва Мелис Сезерни 6:1, 7:5 ҳисобида доғда қолдириб, чорак финалга йўлланма олди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ**

## ЖЕПАРОВНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Осиёнинг энг яхши футболчиси саналган Сервер Жепаров айни кунларда Жанубий Корейнинг «Сеул» жамоаси таркибига тўп сураётганлиги муҳаббатга маълум, албатта.**

Кунни кеча хоржий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабари ҳамда Осиё футбол конфедерацияси маълумотига кўра Жанубий Корея чемпионатининг жорий йилги мавсуми ниҳоясига етди. Кувонарли жиҳати шундаки, Сервер Жепаров тўп сураётган «Сеул» командаси охириги турда турнир жадвалининг сўнги погонасини эгаллаб келаётган «Тегу» клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи ўринда бораётган «Чеджу Юнайтед» командасидан уч очкога ўзиб кетди ва шохсупа тўрини эгаллади.

## ЁШЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ЮТУҒИ

**Россиянинг Анапа шаҳрида 1997 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган халқаро турнир Ўзбекистон вакилларига омад келтирди.**

Ушбу турнирда иштирок этган «Пахтакор» футбол академияси жамоаси ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, мамлакатимиз футбол муҳлислари кўнглини шод этди.

Абдураимовлар сулоласининг кенжа вакили Жасур Абдураимов бош мураб-

бийлигидаги ёш пахтакорчилар аввалига «Торпедо» командасини 1:0 ҳисобида, кейинчалик «Приолит» футбол клуби вакиллари 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Ингушетиянинг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидан таркиб топган командани ҳам 4:0 ҳисобида енга олган ёш пахтакорчилар россиялик футбол муҳлисларининг эътирофи сазовор бўлишди. Айниқса ёш пахтакорчилар Суҳроб Нуруллаев, Сардор Юсупов, Карен Муродбоев ва Саидкамол Давлатжоновларнинг маҳорати мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги яқин келажақда мамлакатимиз футболни курраи заминда ўз нуфузига эга бўлаётгани яққол исботлади.

## ИБРАГИМОВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БИЛАН БЕЛЛАШАДИ

**Бир неча йиллардан бери профессионал бокснинг WBA йўналиши супероғир вазни чарм қўлқоп усталари орасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган Тимур Ибрагимов навбатдаги жангини WBA йўналишида жаҳон чемпиони бўлган Жан Марк Мормекка қарши ўтказадиган бўлди.**

Ушбу баҳс Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтади. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, айни вақтда ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов WBA йўналишидаги боксчилар орасидаги рейтинг жадвалида еттинчи ўринни, собиқ жаҳон чемпиони Жан Марк Мормекка эса ўнинчи эгаллаб турибди. Бундан ташқари, айни пайтгача ҳамюртимиз ўтказган жанглирининг аксариятини рақибини нокаут қилиш ҳисобига муддатидан аввал тугатган ҳамда кучли зарбага эга.

Ўзбекистонлик муҳлислар номидан 2 декабрда ўтказилиши мўлжалланган ушбу жангда ҳамюртимиз Тимур Ибрагимовга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

### УЧ НАСИХАТ

Шундай қилиб, юриб-юриб, охири бир қишлоққа келибди ва шу ердаги бой хонадонлардан бирига хизматкор сифатида ёлланбди.

— Янги олган хизматкорингиз менга кўз олайтиряпти. Уни жазолашингизни талаб қиламан. Бу ялангоёқни зиндонга ташланг, — дебди бойнинг аёли.

Ғазаби кўзгаган бой хизматкорини чақирибди. Хизматкор келиб, таъзим қилибди. Бой унинг саломига алик ҳам олмай ўшқириб кетибди:

— Сен, нонкўр, тузимни ичиб, туз-лигимга тупурдинг. Кеча-кундуз тинмасдан ишлаш ўрнига, бекаларингга кўз олайтириб юрибсанми?!

Хизматкор гап нимада эканлигини тушуниб, бойга эгилиб яна таъзим қилди-да, сўнг деди:

— Бой ота, мени афв этсангиз, менинг заррача гуноҳим йўқ. Туз ичган жойга тупурадиганлардан эмасман. Бекамнинг ўзлари менга кўнгиллари очган эдилар, мен сизнинг ҳурма-тингизни қилиб, рад жавобини бердим.

Беканинг жаҳли чиқибди, эрининг оёғига йиқилиб, кўз ёш қилибди.

— Тақсирим, ишонманг унга, нахотки менинг ишқим шу ялангоёққа тушса.

Бой бир хотини, бир хизматкорини тинглаб, ўйланиб қолибди: «Қайси бирининг гапи тўғри, қайси бирига жазо берсам экан? Хотинимни жазоласам, бу гаплар ўзгалар қулоғига етиб, менинг устимдан куладилар. Агар хизматкорни ўлдирсам, у ҳолда бу гаплардан ҳеч бир кимса оғоҳ бўла олмайди».

Шунда бой хизматкорини йўқ қилиш пайига тушибди. Бир кун хизматкорини иссиқ, жиззали нон олиб келишга юборибди. Нонвойга «менинг ҳузуримдан келган биринчи одамни тандирга тиқиб юборасан» деб, тайинлабди. Хизматкор нонга кетаётиб, йўлда чойхонага кирибди. Чойхонада ўтирган чоллар уни бир пиёла чой ичиб кетишга чақирибдилар. Хизматкор «эрталабки насибадан куруқ қолма» деган насиҳатга амал қилиб, чоллар таклифини рад қила олмайди. Чойхонада ўтирган пайтда бойнинг кичик хотини ўтиб кетибди. Хизматкор чойини ичиб, чоллар билан хайрлашибди-ю нонвойхонага борибди.

Нонвойхонадан тўртта жиззали нон олиб, хўжайинникога келибди. Бой ҳайрон бўлиб, ўзича ўйлабди: «Хизматкорни биринчи юборсам, нега у нон олиб келдию хотиним келмади». Шунда бой хотинининг хизматкорга тухмат қилганини, хотини эмас, балки хизматкор ҳақ эканини тушунибди.

**Душманлар ҳужумда**

**қанчаки тинмас,**

**Ҳақиқат эгилар ва лекин синмас.**

**Ҳақ одам ҳамиша ютиб чиқади,**

**Тухмат чанги унинг**

**юзига инмас.**

(Давоми бор)

**Мавжуда РАЗЗОҚОВА**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029,**

**Тошкент шаҳри,**

**Матбуотчилар кўчаси, 32**

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба*  
*ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2612 нускада босилади.  
Қозғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5